

Бугунги кунда айрим касбдошларимиз ўқувчиларнинг илм олишга кизикмасликлари хакида нолишади. Бу - нотўғри. Юмшамайдиган кўнгил, очилмайдиган кулф йўк. Суёт ўзлаштирувчи ўқувчи қалбига йўл топа олиш, уни шу фанга кизиктира олиш, керак бўлса ўқувчининг такдирини, хаёт йўлини ўзгартириш ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Айни пайтда замонавий дарё ўтган ўқитувчигина бундай муваффақиятларга эришиш мумкин.

Касб таълимида - экологик тарбияни ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Исақулова Н.Ж. - ЎМКХТТКМОваУҚТ докторанта

Республикаимизнинг ижтимоий, иқтисодий камолоти ёш авлоднинг саъии ҳаракатларига боғлиқ эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Ўсиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажакда қандай касбкорга эгаллашларига қараб, республикаимиз келажagini таеаввур килса бўлади. Келажак ёшларники бўлганлиги сабаб ёшлар фаолияти фаровон хаётимиз мезони, яъни ёшларнинг тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Ёшлар таълим-тарбияси ҳар бир ота-онанинг, ўқитувчи тарбиячининг бурчи.

Ёшларимизни тарбиялаш учун биринчи галда Шарк мутафаккирларининг дуру-жавохирга тенг маънавий мерослари дастурамал бўла олади. Абу Наср Фаробий, Исмоил Ал-Бухорий, Абу Райхон Беруний, Абу али Ибн Сино, Ахмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фирдавсий, Амир Темур, Алишер Навоий, З.М.Бобур, Юсуф Хос Хожиб, Мирзо Улуғбек каби ақл-заковат соҳибларининг ижтимоий-сиёсий фалсафий таълимотлари ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда муҳим восита.

Шундай экан, Республикаимиз Президенти И.Каримов асарларида ҳам ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашда, уларнинг иқтисодий-экологик билимларини оширишда хизмат қилади. И.Каримов асарларининг .моҳияти шундаки, уларнинг барчасида асосий масалалардан бири бу республикаимизни иқтисодий мустақиллигига тезроқ эришишини таъминлаш. иқтисодий ислохотларни жадал суръатлар билан олиб бориш. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш ҳамда экологик муаммоларнинг олдини олиш борасидаги долзарб масалалар теран таърифлаб берилган. Мазкур ислохотларга эришиш учун таълим жараёнида ислохотларни амалга ошириш даркор.

Таълимнинг тарбиявий характери ўқувчиларга касбий билим бериш. уларнинг ақлий ўсиши ҳамда дунёқарашининг шаклланиши билан биргалликда экологик тарбияни ўзлаштириш учун шароит яратади.

Таълимнинг таълимий жараёни билан сир вақтда тарбиявий вазибалари ҳам амалга оширилади, яъни ўқувчиларда дунёқарашни. ахлокий. меҳнат. эстетик қарашлар. тасаввурлар, ишонч, жамиятдаги фаол фаолият ва шунга мувофиқ хатти-ҳаракатлар усуллари муносабатлар, эҳтиёжлар, маданиятлар системаси келажаги буюк давлат инсонлари учун ҳарактерли бўлган шахсий фазилатлари шакллантирилади. Таълимнинг тарбиявий вазибаларига унинг мазкур объектив жараёнга белгиланган мақсадга йўналганлик ва жамоавий аҳамиятлилик бахш этиб ёндошишдан иборат.

Ўқувчининг шахсий фазилатлари билан биргаллик уларнинг касбий фазилатлари ҳам шаклланиши экологик тарбияни ўзлаштирилишида муҳим аҳамиятга эга. Педагогика коллежи “Бошланғич таълим” йўналиши ўқувчиларида қуйидаги касбий фазилатларнинг шаклланиши тажриба жараёнида кузатилди:

Биринчидан, тарбиячилик вазибаларини бажаришда соғлом бўлиши даркор.

Иккинчидан, тарбиячилик фаросатли бўлиши лозим.

Учинчидан, аниқ, равшан, содда тилда ўз фикрини тушунтира оладиган бўлиши зарур.

Тўртинчидан, билимли, маърифатга ҳавасли ҳамда ўз касбининг моҳирона эгаллашга ҳаракат қилиши керак.

Бешинчидан, муҳим бўлган чора-тадбирларни бажаришда қатъиятли бўлиши лозим.


Юқорида қайд этилган касбий ҳамда шахсий фазилатларни шаклланиш жараёнида экологик тарбияни ўзлаштирилиши ўқувчидаги мавжуд бўлган табиатга нисбатан ижобий муносабатни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Педагогика коллежи “Бошланғич таълим” жараёнида ўқувчиларга экологик тарбияни ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён этади:

- 1) аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик тажриба-синов жараёнида;
- 2) кўп қиррали фанларнинг алоқадорлиги жараёнида;
- 3) экологияга оид билимларни узлуксиз ўзлаштириш жараёнида;
- 4) маҳсус ҳамда умумқасбий фанларнинг интеграцияси жараёнида;
- 5) умумтаълим фанларининг икки томонлама алоқа жараёнида;
- 6) педагогик амалиёт жараёнида.

Юқорида қайд этилган хусусиятларни ўқувчиларнинг касбий ҳамда шахсий фазилатлар

шакллантирилишини куйидагича акс эттирамиз:



Хулоса килиб айтганда, ўқувчининг касбий ҳамда шахсий фазилатларини шакллантириш назорат характериға эға бўлиб, бу борада белгиланган вазифалар тасодифий харакатлар оркали эмас, балки олдиндан белгиланган ва пухта ўйлаб тузилган тарбиязий режалар асосида экологик тарбияни фанлараро шакллантирилиши хал этиб борилади. Тарбиязий фаолиятда экологик тарбиянинг максади, шакл ва методлари муҳим ўрин тутади. Тарбия мазмуни фанлараро шакллантириш асосида белгиланиб, амалға ошишида маълум педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги талаб этилади.

Таълим тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Ишанова Н.Н , Турсунходжаева номли тиббиёт колежи директори
Нодирхонова М.,услубчи

Мамлакатимизда жорий этилаётган «Таълим тўғриси»даги Қонун, «Кадр-лар тайёрлаш миллий дастурида муҳим ўрин эгаллаган масалалардан бири-махсус фан ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдир. Буни инобатға олган ҳолда, ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартларини такомиллаштириш устида олиб борилаётган ишлар махсус фан ўқитувчиларининг дастлабки касбий билимларини ва кўникмаларини тез-тез янгилаш ва чуқурлаштиришни талаб этмокда.

Мустақиллик шароитида таълим тизимини бошқаришда илғор педагогик ва бошқариш тажрибаларини ўрганиш ва амалиётға жорий қилиш, таълим муассасасида соғлом маънавий- психологик муҳитни, ҳақиқий ижодкорлик, жамоавий ва шахсий жавобгарлик вазиятини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Булар эса педагогик жараён ва таълим муассасаси ички бошқарувини такомиллаштириш, унинг кўпгина масалаларини мустақиллик талаблари асосида назарий ва амалий ишлаб чиқишни такозо қилади.

Шу билан бирға таълим тизимини бошқариш жуда мураккаб ва анча масъулиятлидир. Энг муҳими, у кўп компонентли тизим ҳисобланади. Шунинг учун унинг мазмун, моҳиятиға мос бошқариш шакл ва методларини танлаш ҳам жиддий муаммодир. Педагогик жараён ва таълим муассасаси ички бошқарувини такомиллаштириш унга тизимли ёндашув асосида бошқаришни ташкил қилишни тақозо қилади. Таълим муассасаси ички бошқаруви иккита кичик тизим - бошқарувчи (раҳбарлар, унинг ўринбосарлари, педагоглар ва талабалар, хизматчилар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари) ва бошқарилувчилардан ташкил топади ва улар ўзаро муносабатларда фаолият кўрсатадилар.

Ўқув юртини ички бошқарувига тизимли ёндашув педагогик жараён қонуниятларини билиш ва шу асосда педагоглар жамоаси харакатларини, қуч-ғайратини уйғунлаштириш, ягона мақсад - сифатини кўтаришға йўналтиришни таъминлаши лозим. Бунда педагогик фаолият ва таълим муассасаси бўғинларига тизим сифатида қараб, уларни мақсадға эришиш механизмлари сифатида қараш, уларни яхлит педагогик жараённинг таркибий қисмлари деб қараб, педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро